

## ТОШ ЎЙМАКОР САНЬЯТИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи  
Адабиёт бўлими илмий ходими: X.Юлдашев*

Тош ўймакор усталарнинг асосий иш материалидир. У мустаҳкам, узоқса чидайдиган ва чиройли бўлиши керак. Тошдан қурилган нарсалар бир қанча асрлар давомида яшамоқда. Уни қайта ишлаш ва ундан бирор нарса ясаш қийин, кишидан сабр-тоқат талаб қиласди.

Археологик топилмалар ва архитектура ёдгорликларини безашда қадимдан ишлатилиб кели-наётганлигининг далилидир.

Тош ўймакорлигига ишлатиладиган тошлар ўрни, мақсади ҳамда вазифасига қараб юмшоқ, ўртacha қаттиқликдаги ва қаттиқ бўлади.

Юмшоқ тошларга — гипстош, талькохлорит, оҳактош ва бошқалар; ўртacha қаттиқликдаги тошларга — оникс, порфир, оҳакли мармар ва қаттиқ тошларга эса — лазурит, амазон тоши, агат (халцедон), малахит, жадент, нефрит, яшма ва бошқалар киради. Бу материаллардан қозон, кўза, лаганлар ясалиб унга ажойиб ўйма нақшлар билан жило берилган.

**Мармар** — тоғ жинси бўлиб оҳактошнинг алоҳида нафис туридир. Мармар йўл-йўл, пушти, сарик, зич, ярим шаффоф, ялтироқ ҳам бўлади. Мармар қадимдан қимматбаҳо ҳамда нафис тош ҳисобланиб Закавказъеда ҳамда Эронда мармардан зебзийнат буюмлари ишланган. Ўрта Осиёда имматбаҳо материал бўлиб, қурилишларда кенг ишлатилган. Самарқанддаги Амир Темир мақбарасининг ички деворлари, қабр тошлари ўйма нақш мармардан ишланган. Мармардан турли зеб-зийнат буюмлари, тақинчоқлар ясалади. Мармардан ҳар хил панжара, лаган, совға буюмлари, пойустунлар, намоёнлар ажойиб мармардан ўйиб нақшлар билан жилоланган.

**Ғозғон мармари** — дунёга машҳур мармарлардан бири ҳисобланади. Унинг ранги нафис ва хилма-хилдир. Ғозғон мармари тўқ кулранг, "қизғиши, тутун ранг, оч қизғиши, кўкимтири, баъзан оқ ҳам бўлади. Унинг ранги тарам-тарам (бўлиб биридан иккинчисига аста секин ўтади.

Расмлари турли туман 20 йил хизмат қиласди. Ғозғон мармари чиннисимон, музлашга бардошли нафис қизғиши рангда, айниқса унинг денгиз манзараларини эслатадиган табиий турлари ўзига хос гўзалдир. Ғозғон мармари қадимдан маълум бўлиб, Бухорода, Самарқанддаги мачит

ҳамда биноларни безашда ишлатилиб келинган. Айниқса, нақшлар ўйиб ишланган мармар ўзига хос табиий гўзал қўриниши билан кишини ҳайратга солади. Францияда ўтказилган бутун дунё кўргазмасида Ғозғон рангдор мармари биринчи ўринни олган.

**Яшма** — ярим юмшоқ тош турига кириб, жуда чиройли ҳар хил рангли, расмли, жуда зич бўлади. Қип-қизил ёки очик яшил ранглиси ҳам бўлади. Унинг расмлари тўлқинсимон, тўғри, доғлар ҳолида ва бир текис бўялган бўлмайди. Мураккаб расмли ва мураккаб рангли яшма худди чалмани эслатади. Фантастик расм ва нақшлар кўринишига эга бўлиб, ўзига хос ҳар хил ишланган расмларни эслатади.

**Малахит** — ойнадан бирмунча юмшоқ, табиатда куртаксимон ҳолда учраб, уни кесганда қизиқарли овал шаклидаги, лентасимон, тўқ яшил юзаларни қора контур чизиқли бўлиб, ажойиб тасвирни беради. Тўқ яшил, очик яшил ва ҳаво-ранг малахитлар ҳам бўлади. Малахитдан заргарликда ва тош ўймакорлигида жуда кенг фойдаланилади. Уни қайта ишлаш жуда қийин бўлишига қарамасдан архитектура безагида кенг қўлланилади.

**Нефрит** — жуда қаттиқ тош. Қадимда бу тошни олтин баҳосида ҳисоблаганлар. У асосан кулранг-яшил баъзан сутсимон, сариқ, қизил ва қора ранглилари ҳам учрайди. Хитойда нефритдан ҳар хил чолғу асбоблари ва ҳар хил тақинчоқлар тайёрлашда кенг фойдаланишган. Нефритдан архитектура безагида ва тош ўймакорлигида ҳар хил ўйма лаганлар, кўзалар ҳар хил намоёнлар ва бошқа нарсалар ишланади. Темурнинг Гўри-Амир мақбарасида ажойиб нақшларни ўйиб тошлар ишланган. Темурнинг қабри устидаги тўқ яшил рангли нефрит диққатни ўзига жалб этади. Улуғбек 1425 йилда мўгуллар устидан ғалаба қозонганидан сўнг ўлжалар ичида катта икки бўлак нефрит тоши ҳам бўлади. Бу нефритни яхшилаб ишлаб, бирбирига улаб Темур қабри устига қўядилар.

**Гипстош** — уни баъзан ангидрид деб ҳам юритадилар, чунки ангидрид қаттиқроқ бўлиб, манзарали кўринишига эга эмас. Гипстош ярим ялтироқсимон ҳар хил доғли, худди илон терисига ўхшашроқ бўлади. Унинг юмшоқроқ тури ишлатилади. Ундан тош ўймакорлигида ҳар хил ёдгорликлар, ҳайкаллар, ўйма нақшли намоён, лаган, кўза ва бошқа нарсалар ясалади. Архитектурада кенг фойдаланилади.

**Агат** — халцедон қаттиқ тош турига кириб, ўзининг ранг-бараанглиги ва жуда чиройли кўриниши билан ажralиб туради. Унинг ранги сутсимон, оч ҳаворанг, кулранг, тилларанг, пушти ва бошқа рангларда бўлади. У ялтироқсимон хусусиятга эга бўлиб, ундан кичик заргарлик буюмлари, кичик совға буюмлари, ажойиб ўйма нақшлар ишланади. Архитектурада кенг фойдаланилади. Ундан ўзбек усталари кўпинча ўйма нақшлар, лаганлар, кўзалар, ҳар хил намоёнлар тайёрлайдилар. Тош ўймакорлигида кенг ишлатилади.

### Тош ўймакорлигида ишлатиладиган асбоблар

Тош ўймакорлигида ёғоч ўймакорлигидагига ўхшаш асбоблар ишлатилади. Усталар, катта болға, кичик болға, зубила, қалам исканалар, арра, пичноқ, парма ва бошқаларни ишлатадилар. Бу, асбоблар азалдан темирчи усталарга буюртма I бериб тайёрлатилган. Ҳозир ҳам маҳсус темирчи усталарга буюртма бериб тайёрлатиш

мумкин. Агарда бундай темирчи усталарни топишга қийналсангиз, ўзингиз ўқув хонада ясаб олишингиз мумкин. Бу асбоблар пўлатдан ясалади. Тайёр асбобни албатта тоблатиш керак. Асбобни ишчи қисмини тўқ қизил ёки қизил ранг ҳолатида қизариб ўша заҳоти хона ҳароратига мос бўлган сувга ботириш керак. Сариқ ёки пушти рангтacha қиздириб бўлмайди. Чунки қиздиришни оддий ёғоч оловида қиздирган маъқул. Агар тошли олов бўлса тоблашни ишдан чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, тош ўймакорлиги санъати гуллаб-яшнамоқда, қўли гул усталаримиз Раҳим Обидоз, А. Болтаев, С. Худойберганов, Х. Раҳимов, Б. Давлатов, А. Бекжонов, К. Полвонов, З. Абдулов, К. Рўзметов, Жалол Жўраев. Раҳим Обидов, Абдураҳмон Турдиев, Бақо Камолов, Бобоназар Жабборов, Абдулла Ҳайитов, Салимжон Ҳамидов ва бошқалар яратган асар лари халққа хизмат қилмоқда. Тош ўймакорлик санъати ноёб санъат тури бўлиб, янги замон нафаси билан янгича жило ҳамда гўзаллик касб этиши шубҳасиздир. Ҳозир ўлмас санъат сирлари ишончли, талантли қўлларда.

Ўзбекистонхалқ амалий безак санъатиичида сужак ўймакорлиги ҳам санъатнинг бошқа турлари каби тез суръатлар билан ривожланмоқда. Сужак ўймакорлиги Ўзбекистондасанъатнинг энг ёш туридир. Сужак ўймакорлиги Ҳиндистон, Ёқутистон, Африка, Хитой умуман шарқ мамлакатларида юксак даражада ривожланган.

Ўрта Осиёда сужак ўймакорлиги географик шароити туфайли ривожланмаган. Аммо ҳалқ амалий санъатининг бошқа турларида (пичноқчиликда) қўлланилган. Булар оддий сужаклардан (қорамолнинг, эчкининг шохларидан) ишланган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ортиқ Файзуллаевдир.

Ўймакор кунданкунга яшнаётган Тошкентда қурилаётган энг йирик маъмурий биноларнинг деярли барчасида ўз ижоди билан қатнашган, десак хато қилмаймиз. Асарлари эл таҳсинига сазовор бўлган, юксак маҳоратли Ортиқ Файзуллаев П. Бенъков номли жумҳурият рассомчилик билим юртида ўқитувчилик қилиб юрган вақтида ўз санъатининг сирларини ёшларга ситқидилдан ўргатди. Ортиқ Файзуллаевнинг ижоди 50-йилларнинг иккинчи ярмида П. Бенъков номидаги Бадиий мактабни битириш арафасида бошланган. 1957 йили у Ўзбекистон ёшлари фестивали муносабати билан очилган кўргазмада қатнашди.

Ортиқ Файзуллаев фақат ёғоч ўймакорлиги билангина шуғулланмай, ўзбек ўймакорлари орасида биринчи бўлиб сужак ўймакорлигини ҳам чуқур ўрганди. У Москва, Киев музейлари ва фабрикаларига бориб, сужак ўймакорлигини ўрганиб «келди. Сужак ўймакорлиги,— дейди Ортиқ Файзуллаев,—«Мамонт тиши», «Морж тиши», «фил суюги», «мол суюги» ва шохлари, отнинг суюги ва бошқа ҳайвон сужаклари ишлатилади.

Сужак ўймакорлиги парма, аррacha, эгов ҳамда ўзига хос мукаммал механик асбоблар ишла-тилади. Сужак ўймакорлиги технологияси қуйидагилардан иборатдир. Зарур материалга мос келадиган сужак тури ва бўлаги танланади. Сужакнинг ортиқча

бўлакларини арралаб олиб ташланади. Ғадир-будир жойлари эговда текисланади. Суякка қалам билан гул чизилади ва ўша чизик бўйича нақш ишланади ҳамда йўнғир тош билан жило берилади. Иш сўнггида тайёр бўлган буюмни бўр ва спирт билан яхшилаб артиб чиқилади. Ижодкор юқорида айтиб ўтилган технология бўйича ажойиб асарлар яратди. Кейинроқ санъатнинг бу турида яратган асарлари билан Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида қатнашди. Кўргазмага «Чўпон», «Лазги ўйини», «Яккама-якка», «Курант», «Навоий ҳайкали» асарлари тақдим этилди. «Пахта ўйини» деб номланган асарда рақс тушиб турган қизнинг нозик ҳаракатлари санъаткорона тасвирланган. Унинг атрофига пахта ва турли нақшлар ишланганлиги раққоса рақсининг музмунини чуқурлаштиради, пахта ва гулларга бой фаровон Ўзбекистоннинг рамзий образи намоён бўлади. «Чўпон» деб аталган суяк ўймакорлиги ҳадл таъсирли чиқкан. Қўзилар кенг далада ўтлашиб юришибди. Узоқдан баланд тоғлар кўринади, чўпон ўз боласини аллалаётган онадек найда ёқимли куй чалмоқда. Санъаткор суякни шу қадар эҳтирос ва моҳирлик билан ишлаганки, уни томоша қилган кишига чўпон найининг овози, қўй-қўзиларнинг маъраши эшитилгандек туюлади. Мазкур асарлар учун Ортиқ Файзуллаев кўргазманинг кумуш медали ва диплом билан тақдирланди. Ортиқ Файзуллаев ҳозирги вақтда суяк ўймакорлигининг жумҳуриятимиздаги ягона усталаридан. У халқ санъатининг қайси турига мурожаат қилмасин, доимо янгиликка интилади, бу жанрни ҳам шак-лан, ҳам музмунан бойитади. Санъаткор ижодига хос бу фазилат унинг Тошкентдаги «Совға» фабрикасида бош рассом бўлиб ишлаб юрган кезларида айниқса камол топди. У яратган ўнлаб совға буюмлар турли конкурсларда катта муваффақият қозонди. Бу совға буюмларига ишланган анвойи безаклар текис ва қабариқ сиртларга хос композиция туфайли гўё нақшлар жонланиб ҳаракатга келгандай туюлади. Кези келгандা, шуни айтиш керакки, жумҳуриятимиз туристлар ўлкаси. Шундай экан, миллий нақшлар билан безатилган кичик ҳажмдаги ҳар хил совға буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Чунки, кўпгина совға буюмларини фақат кўргазмаларда ва музейларда кўриш мумкин, холос. Аксинча, бундай ёдгорлик буюмларига эга бўлишни ҳар бир хонадон соҳиби жон дилидан исташи шубҳасиз. Ортиқ Файзуллаевнинг нозик диidi, қалб қўри, чидам ва матонати туфайли майдонга келган санъат дурдоналари, маданият кошоналари, истироҳат масканларининг ҳуснига ҳусн қўшмоқда, қадимий халқ санъати бизнинг давримизда ҳам обрў ва эътибор қозониши мумкинлигини исботламоқда.

Санъаткор яратган оригинал ва нафис асарлар фақатгина жумҳурият ва мамлакатимиз музейларидағина эмас, балки Япония, Германия, Польша, Туркия, Финландия каби чет эллардаги халқаро кўргазмаларда намойиш қилинган. Ўймакор Ўзбекистон, Бутуниттифоқ жаҳон китоб кўргазмаларини бадиий безашда қатнашди. О. Файзуллаев ҳозиргача ҳаммаси бўлиб 100 га яқин жумҳурият

Бутуниттифоқ ва халқаро кўргазмаларда иштирок этганлиги унинг тинмай изланаётганлигидан далолат бериб турибди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. С.Булатов «Узбек халк Амалий безак санъати» Тошкекн «Мехнат» 1991йил.
2. Г.В.Беда. Основы изобретательной грамоты. Москва. «Молодая гвардия», 1987г.
3. М.А.Бикажанова. Одежда узбечек Ташкента В.кн «Костюм народов средней Азии» М,1979г.
4. Архив.уз